



ЎЗБЕКИСТОН-ВАТАНИМ МЕННИНГ

Оқшом ярмойиғи кўриб
Кафтларим юзга суртаман
Бир жисму юз минг
руздаман,
Ватан. Ватан. Ватан. Ватан.

Боғинг кўриб мен
боғ бўлдим,
Доғинг кўриб ўртандим мен.
Сени Афгон элдан келган
Тобутлардан ўргандим мен.

Пушталарда қолиб кетган
Кўнглим экандирсан, Ватан.
Елғиз онам, паршондоқ
Синглим экандирсан, Ватан.
Мен кўксимда қумдай ёнган
Едларга видео айтман.
Емғирларингда кетаман,
Ватан. Ватан. Ватан.

Қанча гамага мақбар дилим,
Мақбар кўрсам қақрар
дилим.

Егин булар жон ила там,
Ватан. Ватан. Ватан. Ватан.

Кетавердим. Енверимдан
Кўйиш хал томонлари
Нурлар сочиб ўтаверди
Бу уйларнинг айвонлари.

Хар кун кўриб, билмиб, сенга
Кайта-қайта етавергум,
Ватан мангу армон Ватан,
Айта-айта кетавергум.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ЭЗАДИЛАР

ТЕМИРҲЎЛЧИЛАР
КИНИМ ТИКИШАДИ

Улуғбек темирҳўл стан-
цияси ишчи-хизматчилари
Чархин кўрғонда Самар-
қанд трикотаж фабрикаси-
нинг филиалини қуришга
киришдилар. Бу илҳам кор-
хона уч гектар ерни эгал-
лайди.

Шуниси моҳимки, фабри-
када бозор иқтисодиёти ту-
файли ишсиз қолган темир-
ҳўлчилар, уларнинг оила
аъзолари ва Чархин кўр-
ғони аҳолиси меҳнат қилди.
Шу сабабли ҳам қурилишда
катнашаётганлар сони кун-
дан кунга ортиб бормоқда.

ри инглиз тилини пухта ўр-
наганлар.
Айтгандай, Шокир Тош-
кент дорилфунуни журипа-
листика факультети талаба-
си, енгил атлетика бўйича
спорт усталигига номзод.
Ф. ТОШЕВ.

ЯНГИ ШИФОХОНА

Қорақўл туманининг Сай-
ёт қишлоқ кенгаши ҳудуди-
да 70 ўринлик шифохона
фойдаланишга топширилди.

Замонавий даволаш ва
диагностика ускуналари би-
лаз жихозланган шифо-
хонани «Октябрь», «Пой-
кент» жамоа ҳужалиқлари,
«Тошкент» давлат, ҳўжалиғи
аъзолари ҳиссдорлик асо-
сида бунёд этишди. Шундай
шифохона туманининг Янги-
бозор кўрғонда ҳам қури-
ляпти.

ҚУЛАЙ УСКУНА

Ўзбекистон қишлоқ ҳў-
жалик машинасозлиғи кон-
цернининг Бухородаги тажри-
ба итисослаштирилган
заводида янги ускуна яра-
тилди.

Ҳозир корхонада ғўзапой-
ни илдири билан қўриқиб бе-
радиған ҳамда майдонларни
маккажўхори илдиридан то-
залайдиган бундай ускуна-
ларни ишлаб чиқариш йўлга
қўйилди.

Бу йил меҳнат жамоаси
эллик дона шундай дастгоҳ-
ларни ишлаб чиқариш нияти-
да. Келгусида эса бундай
турдаги маҳсулотлар ҳажми
камида ўн баравар оширил-
ди.
Н. НАИМОВ.

ҲУРРИЯТ

Ҳуррият таъмини ҳеч тотганмидинг!,
Шунча йиллар қанд сўриб ётганмидинг!
Қодирий, Чўлпону Фитрат кўзларин
Дил аро бир бора уйғотганмидинг!
Лопазор ўлди аларнинг қонлари,
Сен бу янги лопазор ўтганмидинг!
Юзларингда на алам бордир, на ёш,
Еки сен ҳам қўшилиб сотганмидинг!
Шунчалар аччиқ бу ширин Ҳуррият,
Сен анинг таъмини ҳеч тотганмидинг!

Она, сизнинг ёнингизда қолмадим,
Кўзингизга гард кўндим, мен ололмадим.
Бу дунёда ҳаловату ором надири!
Оромингиз олдим ором беролмадим.
Остонамиз кузатгайдир баҳорларни,
Хазонларга алмаштириб ифкорларни,
Бағрлар ҳикмат айтса тириаб деворларни,
Таскин бериб қошингизда туролмадим.

Учоғдаги олов сизни иситгайдир,
Мен шу ёнган кўрчалик ҳам бўлолмадим.
Кўклам келиб, очилганда келинчақлар,
Куйманганда сулар ташиб куюнчақлар,
Чайқалганда гўдак тўла беланчақлар,
Куюндингиз, мен ҳеч тadbир қилолмадим.
Тинди йиллар, тинди олам ёгинлари,
Селларнинг ҳам борку сўнгги, охирлари,
Тинмади ҳеч юзингизнинг ёмғирлари,
Мен бир насим бўлиб етиб келолмадим.
Кўнгли йўли бошдин оёқ меҳнат кўрдим,
Йўлда ётган хасда ҳам бир зийнат кўрдим,
Бировларга кўнгли бериб миннат кўрдим,
Манглайимни тошга уриб ёролмадим.
Умр деган ноададаги қўшдай экан,
Оқибатнинг эса мағзи пучдай экан,
Дунёлари кечаги бир тушдай экан,
Мен бу тушнинг таъбирини билолмадим.
Шом чоғида қолдингизми толиб яна,
Заъфарондай саргайиб сўлиб яна!
Шунча алам етмагандай, келиб яна
Бор дардимни сизга тўқдим, ўйламадим.

ОКСАРОЙ

Зиёратга келдим саҳар чоғ, сарой,
Мунгайиб турарди ҳаммаёқ, сарой.
Буюк салтанатнинг заволи сенми!
Кўксимда доғ узра ўнди доғ, сарой.
Нақшлар музтариб, деворлар яро,
Бул мажруҳ муқаддас оятлар аро
Келди мазийлардан бир мунгўл садо,
Уи меннинг бағримни қилди чоғ, сарой.
Манглайимни босиб муздайини ғишга
Йингладим ҳар ўтган, ўтмаган ишга.
Қадим нафасингни ютибон ичга
Турардинг ҳолимдан сен огоҳ, сарой.
Турардинг абадий шавкату шондай,
Осмонлар қаъридан бўлиб осмондай,

Кексайган, нуруний соҳибқирондай
Бир оқ булут тушди баногоҳ, сарой!
Дилни равоқларга уришиб кетди,
Замонлар бир лаҳза суриниб кетди.
Боқсам Самарқандлар кўриниб кетди,
Турардинг бир ўзинг танҳо, тоқ, сарой.
Норасо авлодлар ишрат ила банд,
Эли қон ютгайдир, боёнлари қанд.
Жафоқаш бу мулкнинг дардини англаган
На бир хон келдию, на бир шоҳ, сарой.
Сен ҳамон ўшандай улугвордирсан,
Дунё туганди, сен устивордирсан.
Балки бир юпанчага сен ҳам зордирсан,
Эй, Амир Телурдан қолган оҳ, сарой!

ҚЎШЧИ ВА ҲЎКИЗ

Адирда қўшчию ҳўкизга қараб,
Ғалат бир гап кечди кўнглимдан чини:

Қўшчи ҳўкизним борарми ҳайдаб,
Ва ё судраб борар ҳўкиз қўшчиний!

ИККИ БОҒ

Тақдир менга қўш боғ берди икки қирғоқда,
Икки боғда гоҳи доғман, гоҳи фироғда.

Бир боғимда дарехтларим гулга зор ўсар,
Янтоқлар ҳам гуллаб ётар иккинчи боғда.

ҚЎМСАШ

Дилмига йўл солган ул қошлар букуи
Қайси бир дилларнинг кўприғимикин!

Йўлимга гўл сочган ул сочлар букуи
Қайси бир уйларда супурғимикин!
Сирожиддин САИД.

ВАТАНИ ҲРГАНИШ

Мен Ватаним на китоб, на
Жаридадан ўрганганман.
Момоларнинг юзиди
Харитадан ўрганганман.
Боболарнинг таъбию
Чорингни кўргандайман,
Мен Ватаним сўрлардан,
Сўқмоқлардан ўрганганман.

Кинолармас, бул Ватаним
Минорлардан ўргандим мен.
Оқ лавтавар ҳилпироган
Чинорлардан ўргандим мен.

Ватан. Ватан. Ватан. Ватан.
Надир манга дурри Адаи!
Селпиг менни сел эттисин,
Элнинг менни эл эттисин.

Хонақоҳлар, Офтобалар,
Кетавердим. Кетавердим.
Ҳар тоғида бир авлиё,
Шул ҳикматга етавердим.

Бу тепалар, қўмтепалар,
Остидаги тарих қадар,
Сукунатинг кўрганда мен,
Сукунатинг ўргандим мен.



POLO KING SIZE FILTER

Қуйидаги манзилга
мувожаат этиб,
бу ҳақда тўлиқ маълумот
олиш мумкин:

Тошкент шаҳри,
Катта Миробод кўчаси,
158-уй (Ивлев, 67).

“Табани групп оф компаниз”


Ўзбекистон
Республикасидаги
савдо агентларимиз:

“Мунис” ЛТА,
“ХЕСО” ЛТА,
шунингдек
“ФРИЯ” фирмалари.


Факс. 54-08-30.
Telex. 116416 TABANI SU

Telephone. 32-35-53,
54-06-70, 54-07-98,
55-35-49.

Муҳаммад АББОСХОН,
“Табани корпорейшн”-
нинг Урта Осиёдаги
ваколатхонаси Бош
бошқарувчиси.



Чекиш соғлигингиз учун зарарлидир!



МАНЗИЛИМИЗ: 700083 ТОШКЕНТ,
ГСП, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ 32-УЙ.

МУАССИСЛАР:
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ
ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ ВА
«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»
ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ

ТАҲРИР
ҲАЯЪАТИ.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

РЕДАКЦИЯЛАР:
Иқтисодий ҳаёт — 33-47-80, 32-53-14.
Иқтисодий ҳаёт — 33-21-43, 32-53-16.
Жиноватчиликка қарши кураш — 33-76-04, 32-26-70.
Вилоят мухбирлари — 33-12-16, 32-57-20.
Хетлар, ахборот ва спорт — 33-12-56, 32-55-16.
«Осиё бозори» — 33-41-89, 32-55-70.
Котибият — 33-72-83, 32-53-06.
Эълон ва билдирувлар — 32-54-12.

Шароф Рашидов фонди — 33-20-36, 32-54-35.
Қабулхона — 32-55-15.
ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ:
Андижонда — 4-48-85; Қаршида — 3-25-79;
Бухорода — 3-96-12; Самарқандда — 35-22-90;
Гўлистонда — 2-26-22; Урганчда — 6-72-60;
Жиззахда — 3-31-86; Термизда — 2-23-01;
Навоийда — 3-74-76; Фарғонада — 6-37-16.
Нукусда — 2-42-62;
Навбатчи муҳаррир: А. ҲУЗНЕВ.

● Бирорта ҳам хат редакция эътиборидан четда қолмайди.
● Эълонлар кечиктирмай чоп этишга кафолат берилади.
● Қўлёзмалар ҳажми чекланмайди.
● Ҳўйхатдан ўтиш тартиб № 000120.
Газета офсет усулида А—2 форматда босилади.
Ҳажми 2 босма табоқ, тиражи 166.770 нуска.
Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди — 21.50.
Г—274. № 109.